

Намоздаги хушуъ



08:21 / 26.04.2020 1581

Кемага қара

Абдул Аъло ибн Зиёд Асламийдан ривоят қилинади: «Бир куни қарасам, Довуд Тоий Фурот дарёсининг бўйида хаёл суриб турган экан. «Эй Абу Сулаймон, бу ерда нима қилиб турибсиз?» дедим. У: «Кемага қара, Аллоҳ таолонинг амри билан бўйсундириб қўйилган денгизда қандай сузиб юрибди», деди».

Абу Холид Тоий айтади: «Отам билан Довуд Тоийнинг ҳузурига бордик. У масжидда экан. Салом бериб, ичкари кирсак, намоз ўқиётган экан. Бир пайт масжиднинг деразаси синиб, Довуд Тоийнинг ёнига тушди. Аммо у асло чўчимай, тўхтаб ҳам қолмай, намоз ўқишда давом этаверди».

«Солиҳлар гулшани»

китобидан